

Тошкент шаҳридаги қорилар суҳбатдан ўтказилди



15:03 / 04 февраль 947

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ташаббуси билан Рамазон ойидаги Хатми Қуръон тадбирларида иштирок этадиган қориларни суҳбатдан ўтказиш бўйича тадбирлар давом этмоқда.

Жумладан, бугун 2026 йил 04 феврал санасида «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуаси мажлислар залида Тошкент шаҳридаги масжидларда хатмга ўтадиган қорилар суҳбатдан ўтказилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудир шайх Алижон қори Файзуллоҳ Махдум хатмга ўтиш одоблари, тажвид қоидалари, хусусан, вақф ва ибтидо қоидалари ҳақида маъруза қилди.

Шунингдек, устозлар қориларнинг тайёргарлигини текшириб, уларга керакли тавсияларни бердилар.